

**ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИ ВИКТИМОЛОГИК
ПРОФИЛАКТИКАСИДА УЧРАЁТГАН АЙРИМ МУАММОЛАРНИНГ
ЕЧИМЛАРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИ МУСТАҚИЛ
ИЗЛАНУВЧИСИ**

ИСОМИДДИНОВ САДИРДИН ҒАНИЖОНОВИЧ

Аннотация: Мақолада фирибгарлик жиноятининг виктимологик профилактикасида учраётган асосий муаммолар таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ечимлари бўйича илмий асосланган таклифлар ва тавсиялар келтирилган. Ҳуқуқий база ва амалий механизмлар ўртасидаги номувофиқликлар, профилактиканинг бирламчи ва иккиламчи босқичларидаги муаммолар, шунингдек, ижтимоий хавфли гуруҳларни аниқлаш ва улар билан самарали ишлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Мақолада янги профилактик моделлар ва инновацион ёндашувларни жорий этиш зарурати таъкидланади, шу билан бирга, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилган. Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда фирибгарлик жиноятига қарши курашиш ва жабрланувчиларни ҳимоя қилиш тизимини янада самарали таъкил этишга қаратилган.

Калим сўзлар: Фирибгарлик жинояти, виктимологик профилактика, ҳуқуқий механизмлар, ижтимоий хавфли гуруҳлар, профилактика тадбирлари, жиноятчиликнинг олдини олиш, юридик базани такомиллаштириш, жабрланувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, илмий тадқиқот

**РЕШЕНИЯ НЕКОТОРЫХ ПРОБЛЕМ
ВИКТИМОЛОГИЧЕСКОЙ ПРОФИЛАКТИКИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ,
СВЯЗАННЫХ С МОШЕННИЧЕСТВОМ**

Аннотация: В статье проанализированы основные проблемы виктимологической профилактики преступлений, связанных с мошенничеством, а также предложены научно обоснованные пути их решения. Особое внимание уделено несовершенству нормативно-правовой базы и практических механизмов, несоответствию профилактических мероприятий современным требованиям, а также необходимости раннего выявления и системной поддержки социально уязвимых групп населения. Отмечается важность внедрения новых профилактических моделей и инновационных подходов, а также совершенствования законодательства. Результаты исследования направлены на повышение эффективности борьбы с мошенничеством и защиту прав жертв в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: Мошенничество, виктимологическая профилактика, правовые механизмы, социально уязвимые группы, профилактические мероприятия, предупреждение преступности, совершенствование законодательства, жертва, правоохранительные органы, научное исследование

SOLUTIONS TO CERTAIN PROBLEMS IN THE VICTIMOLOGICAL PREVENTION OF FRAUD CRIMES

Annotation: The article analyzes key issues in the victimological prevention of fraud crimes and proposes scientifically grounded solutions. Special attention is given to the gaps between the legal framework and practical implementation, the inadequacy of current preventive measures to meet modern requirements, and the necessity for early identification and systematic support of socially vulnerable groups. The importance of introducing new preventive models and innovative approaches, as well as improving legislation, is emphasized. The research outcomes aim to enhance the effectiveness of combating fraud and protecting victims' rights in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: Fraud crime, victimological prevention, legal mechanisms,

socially vulnerable groups, preventive measures, crime prevention, legislative improvement, victim, law enforcement agencies, scientific research

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги, шунингдек, маиший турмуш шароитида қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга шикаст етказиш, ўғирлик, босқинчилик, фирибгарлик, безорилик, номусга тегиш, талончилик жиноятларининг анъанавий тусда содир этилаётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда¹.

Қонун ҳужжатларида ички ишлар органлари жиноятчиликка қарши курашишда асосий ва устувор субъект сифатида белгиланган бўлиб, уларнинг фаолиятида барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда иш юритишга алоҳида аҳамият қаратилган. Бу ҳамкорлик “ҳаракатлар яқдиллиги” тамойили асосида амалга оширилиши, бунда ушбу субъектлар ўртасида ўзаро мувофиқлаштирилган, тизимли ва самарали фаолиятни таъминлайдиган аниқ амалий механизмларни жорий этиш назарда тутилган ва амалиётда қўлланилмоқда².

Олиб борилган илмий тадқиқотларда ҳуқуқбузарликларнинг, хусусан, фирибгарлик жиноятининг виктимологик профилактикасини ташкил этишга доир ташкилий-ҳуқуқий ҳамда амалий механизмларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш зарурлиги юзасидан асосли илмий хулосалар шакллантирилган. Мазкур хулосалар профилактика фаолиятининг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, ваколатли органлар ўртасида институтсионал

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони // URL: <http://www.lex.uz>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашининг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 3528-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

хамкорликни ривожлантириш ҳамда амалий чора-тадбирларни самарали ташкил этиш йўналишларида аниқ таклиф ва тавсияларга таянади.³.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида белгилаб қўйилган устувор давлат сиёсати йўналишлари, жумладан, 2022–2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этишга доир вазифалар алоҳида ўрин эгаллайди. Шу билан бирга, жамиятда фирибгарлик жиноятининг кенгайиб бораётган кўлами, ушбу жиноят қурбонларининг кўпинча заиф ижтимоий қатламларга мансублиги ҳамда аҳолида виктимологик профилактикага бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориши – ушбу соҳани ҳар томонлама такомиллаштириш заруратини янада долзарблаштирмоқда.

Тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, шунингдек, таҳлил қилинган натижалар асосида фирибгарлик жиноятининг виктимологик профилактикаси соҳасида қуйидаги муҳим хулосаларга келган:

а) фирибгарлик жиноятининг виктимологик профилактикасини янада самарали ташкил этиш учун унинг назарий асосларини чуқур таҳлил этиш ва замонавий илмий ёндашувлар асосида қайта ишлаш зарур;

б) жиноятнинг кенг тарқалишини ҳисобга олган ҳолда, хусусан, кибефирибгарликка қарши самарали профилактик механизмларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш долзарб вазифалардан бири саналади;

д) мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, амалдаги ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги бўшлиқларни бартараф этиш талаб этилади;

э) виктимологик профилактиканинг замонавий талабларга мос тарзда амалга оширилиши учун инновацион профилактика механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга самарали жорий этиш муҳим ҳисобланади.

³ Абдуллаходжаев Г.Т. Предупреждение краж и мошенничества: виктимологические аспекты: Дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2004. – С.118.; Ғофуров Ш.Р. Уюлмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) ... дис. – Т., 2019.

Олиб борилган тадқиқот доирасида фирибгарлик жиноятининг виктимологик профилактикасига доир назарий, ташкилий, ҳуқуқий ва методологик таъминлаш ҳолати, шунингдек, ушбу йўналишлардаги амалдаги қоидалар ва уларнинг бугунги ҳолати атрофлича таҳлил қилинди. Ушбу таҳлил натижаларига таянадиган ҳолда, мазкур асосларни ўзаро уйғунликда такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва уларни илмий асосда кўриб чиқиш мақсад қилинмоқда.

Биринчи йўналиш. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, хусусан, фирибгарлик виктимологик профилактикаси мақсади, вазифалари, субъектлари, объектларини аниқ ва тўлиқ белгилаш имконини берадиган назарий асослар бўлиб хизмат қиладиган тушунчаларни илмий муомалага киритиш зарурати мавжуд.

Ҳозирги кунда жиноятчилик профилактикаси соҳасида тадқиқотлар олиб боришда, хусусан, фирибгарлик жиноятининг виктимологик профилактикаси самарадорлигини таъминлашда асосий назарий тушунчаларни аниқ ва мазмунан тўлиқ ифодалаш муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, ушбу соҳадаги илмий тадқиқотларнинг методологик асосларини мустаҳкамлаш, профилактик фаолиятни самарали ташкил этиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётини такомиллаштириш имконини беради ⁴.

Биринчидан, фирибгарлик жиноятининг ўзига хос хусусиятлари, яъни алдамчилик, ишончни суиистеъмол қилиш ва шахснинг муайян психологик ҳолатидан фойдаланиш орқали содир этилиши, ушбу жиноят жабрланувчиларнинг муайян ижтимоий ва шахсий кўрсаткичларга эга бўлишини англатади. Шу нуқтаи назардан, *“фирибгарликдан жабрланувчи”*, *“фирибгарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахс”* каби атамаларни илмий муомалага киритиш, ушбу тоифадаги шахсларни идентификатсия қилиш ва уларга нисбатан мақсадли профилактик чора-тадбирларни белгилаш имконини яратади.

⁴ Исомиддинов С.Ғ. Фирибгарликнинг виктимологик профилактикасининг янгича механизмларини тақазо этувчи омиллар таҳлили. *Solution of social problems in management and economy*, 3(3), 63-68. (2024).

Иккинчидан, фирибгарлик жинояти профилактикасининг виктимологик йўналиши, яъни жабрланувчига оид профилактик ишларни ташкил этишга доир алоҳида ёндашув мавжуд бўлиб, буни “*фирибгарлик жиноятининг виктимологик профилактикаси*” деган атама билан ифодалаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур тушунча профилактиканинг жиноятчи шахс эмас, балки потенциал жабрланувчига қаратилган мақсад ва вазифаларини ифодалайди.

Учинчидан, профилактика тадбирлари самарадорлиги кўп жиҳатдан уни амалга оширувчи субъектларнинг аниқ ва мувофиқлаштирилган фаолиятига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, “*фирибгарлик виктимологик профилактикаси субъектлари*” тушунчасини илмий асосда белгилаш ва уларнинг ваколатлари доирасини аниқлашни талаб этади. Мазкур тушунчаларни илмий муомалага киритиш профилактика жараёнида тегишли давлат ва нодавлат тузилмалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг аниқ чегараларини белгилашга хизмат қилади.

Тўртинчидан, профилактика самарадорлигини таъминлашда манзилли ва мақсадли ёндашув муҳим ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, профилактиканинг қайси тоифадаги шахсларга қаратилганини аниқ белгилашни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, “*фирибгарлик виктимологик профилактикаси объектлари*” тушунчасини илмий муомалага киритиш орқали профилактик таъсир чоралари қаратилувчи шахслар доирасини аниқ белгилаш имкони яратилади.

Бешинчидан, ушбу тушунчаларнинг илмий муомалага киритилиши виктимология фанини янада ривожлантириш, унинг амалий аҳамиятини ошириш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг профилактика соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, мазкур атамаларнинг таърифларини аниқ белгилаш ва уларни илмий муомалада ягона тарзда қўллаш орқали тадқиқотчилар, амалиётчи ходимлар ва таълим муассасалари учун умумий методологик асос шакллантирилади.

Иккинчи йўналиш. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар, хусусан, фирибгарлик

жиноятининг виктимологик профилактикасига оид норматив-ҳуқуқий база мавжуд бўлса-да, амалдаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ушбу базада назарда тутилган *мақсадларга тўлиқ мос келмайди*.

Олиб борилган тадқиқотлар фирибгарлик жиноятдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни ўз вақтида аниқлаш, уларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳуқуқий ва институтсионал механизмлар етарлича самарали ишламаяпти. Айниқса, ушбу жараёнда мавжуд қонуний асослар Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 44-моддаси (1-қисм, 3-банд) ҳамда Ички ишлар вазирлигининг 2017-йил 25-августдаги “Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқномаси фақатгина ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейинги ҳолатга йўналтирилган. Ушбу нормаларда “ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш” вазифаси белгиланган бўлса-да, бу чора-тадбирлар профилактиканинг аввалги босқичларини, яъни потенциал жабрланувчиларни барвақт аниқлаш ва уларни хатардан ҳимоя қилишни назарда тутмайди.

Мавжуд ҳуқуқий нормалар ва қонунни қўллаш амалиёти фақат жиноят содир этилгандан кейинги ҳолатга, яъни иккиламчи профилактикага йўналтирилган. Ҳолбуки, виктимологик ёндашув асосан бирламчи, яъни барвақт огоҳлантирувчи ва жабрланиш хавфини камайтиришга қаратилган тизимли чораларни назарда тутди. Амалиётда эса бундай чора-тадбирларни қўллаш етарли эмас.

Фирибгарлик содир этишга мойил ва жабрланиш эҳтимоли юқори шахслар гуруҳи қонунчиликда аниқ белгиланмаган, уларни танлаш ва манзилли ҳимоя қилиш бўйича институтсионал механизмлар ишлаб чиқилмаган. Бу эса ҳуқуқни қўллашда субъективлик ва тизимсизликка олиб келади.

Бу эса, ўз навбатида, виктимологик профилактиканинг устувор тамойилларидан бири бўлмиш жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган фуқаролар билан барвақт ва манзилли иш олиб бориш вазифасини тўлиқ амалга оширишга

тўсқинлик қилади. Масалан, 2023-йилда Ўзбекистонда содир этилган 18 692 та фирибгарлик жиноятдан 62 фоиз ҳолатда жабрланувчилар юқори ишонч даражасига эга, ҳуқуқий билим даражаси паст ва ўз молиявий манфаатларини ҳимоя қилиш кўникмалари етарлича шаклланмаган шахслар экани аниқланган.

Қолаверса, 2024-йилда ички ишлар органлари томонидан ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, аҳолининг 36 фоизи фирибгарлик жиноятига қарши профилактика ишларини “ўртача даражада самарали”, 24 фоизи “йетарли даражада самарали”, 22 фоизи эса “жуда самарали” деб баҳолаган. Бундан кўринадики, фирибгарликка қарши профилактика тадбирлари фуқаролар орасида кенг қамровли таъсир кўрсатаётгани билан бирга, манзилли ёндашувнинг етишмаслиги сабабли хавф гуруҳига кирувчи шахслар етарли даражада қамраб олинмаяпти.

Юқоридаги таҳлиллар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, ҳуқуқбузарликларнинг, жумладан, фирибгарлик жиноятларининг виктимологик профилактикаси соҳасидаги ҳуқуқий асослар ва уларни амалиётда қўллаш жараёни ўртасидаги номувофиқлик тизимли, концептуал муаммодир. Бу номувофиқлик профилактика самарадорлигини кескин пасайтиради ва аҳолининг заиф қатламларини ҳимоя қилиш имкониятларини чеклайди.

Мавжуд ҳолат виктимология фанининг замонавий талабларига зид келади. Виктимология фани таълимотларига кўра, самарали профилактика нафақат жиноят содир этилгандан кейинги чоралар, балки жиноятнинг олдини олишда жабрланувчи феъл-атворини, ижтимоий мавқеини, ҳуқуқий онгини ва психологик ҳолатини инобатга олган ҳолда иш юритишни талаб қилади. Шу боис амалдаги ҳуқуқий механизмларни қайта кўриб чиқиш, уларни замонавий виктимологик ёндашув асосида такомиллаштириш ҳамда фирибгарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан барвақт ва тизимли иш олиб боришни кафолатлайдиган янги профилактик моделни жорий этиш зарур.

Шу маънода қонунчиликка қуйидаги мазмундаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

“ҳуқуқбузарликдан жабрланиши эҳтимоли юқори бўлган шахсларни

аниқлаш” тушунчасини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш;

профилактика чораларини икки йўналишда: а) профилактикадан кейинги (реактив); б) профилактикадан аввалги (проактив) шаклда аниқ белгилаш;

аҳолининг ижтимоий хавфли гуруҳлари (масалан, ёлғиз ёши катталар, ёшлар, ҳуқуқий билим даражаси паст шахслар ва бошқалар)ни рўйхатга олиш ва улар билан индивидуал профилактик тадбирлар ўтказиш тартибини йўлга қўйиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони // URL: <http://www.lex.uz>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 3528-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

3. Абдуллаходжаев Г.Т. Предупреждение краж и мошенничества: виктимологические аспекты: Дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2004. – С.118.; Гофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) ... дис. – Т., 2019.

4. Исомиддинов С.Ғ. Фирибгарликнинг виктимологик профилактикасининг янгича механизмларини тақазо этувчи омиллар таҳлили. *Solution of social problems in management and economy*, 3(3), 63-68. (2024).